



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 17 апрель, № 76 (4486)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Вояга етмаган шахсларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 10 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 915-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган 758-1-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1999 йил, № 5, 110-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2007 йил, № 9, 420-модда) **13-моддасининг ўн биринчи хатбоши**ни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«вояга етмаганларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этиш, ота-она қарамонидан махрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни василик ва ҳомилийк органларига тақдим этиш, шунингдек бундай болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга қўмақлашди».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Аxbоротномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 122-модда:
биринчи қисмидаги «уч йилгача» деган сўзлар «икки йилгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Ушб қилмиш хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса...»

«икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади»;

2) 127-модда:
биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамок ёки уч йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади»;

учинчи қисмининг русча матнидаги «несовершеннолетних» деган сўз «несовершеннолетних» деган сўз билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Аxbоротномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9-10, 149-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

(Давоми 2-бетда).

Тошкент шахрининг 2200 йиллигига



Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан миллий кадрларимизни тиклаш, тарихимизни чуқур ўрганиш, мезморий ёдгорликлар ҳамда зиёратгоҳларни асраб-авайлаш, жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз ва Шарқнинг маърифат бешиги сифатида доврақ қозонган қадимий шаҳарларимизнинг юбилейларини нишонлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Утган даврда Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шахрисабз, Қарши, Марғилон каби шаҳарларимизнинг қутлуг тўйлари халқаро миқёсда нишонлангани бунинг яққол далилидир.

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ПОЙТАХТИ

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шахрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори бу борада амалга ошираётган эзгу ишларимиз изчил ва бардавом эканини яна бир бор тасдиқлади. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 34-сессияси қарорига кўра, мазкур халқаро ташкилот пойтахтимизнинг юбилеи билан боғлиқ тадбирларда фаол иштирок этади.

Демак, мамлакатимиз пойтахтида кейинги йилларда тарихий обидларни тиклаш, шаҳарни обод этиш, халқ фаровонлигини оширишда чинакам тарихий аҳамият касб этаётган бунёдкорона ишлар қўлами янада янги, юқори босқичга кўтарилди. Зотан, Буюк Ипак йўлида жойлашган ҳамда неча асрлар буйи шонли тарихимиз, миллий қадриятларимизнинг шаклланиши ва ривожланишида алоҳида ўрин тутган қадимий ва навқирон шаҳримиз юбилейини пойтахтимизнинг юксак нуфузи ҳамда маънавияти муносиб равишда нишонлашдек шарафли ва масъулятли вазифа олдимизда турибди.

(Давоми 2-бетда).



Роджер МакДермот: «Ўзбекистон Президенти Афғонистонда НАТО билан ҳамкорлик бўйича ғоятда муҳим амалий тақлифларни илгари сурди»

АҚШнинг Жеймстаун жамғармаси интернет сайтида мазкур муаввова хузуридаги Евроосиё тадқиқотлари маркази катта илмий ходими, Буюк Британиянинг халқаро стратегик тадқиқотлар институти аъзоси Роджер МакДермот томонидан ёзилган ва Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши (СВАП) Бухарест оммавийдаги нутқида бағишланган мақола эъло қилинди. Муаллиф МДХ ва Марказий Осие мамлакатларида хавфсизлик ва мудоғая масалаларини тадқиқ қилиш бўйича мутахассис ҳисобланади.

Мақолада ёзилишича, «жорий йилнинг 2-4 апрель кунлари Бухарестда бўлиб ўтган саммитда НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги шерити ҳисобланган Ўзбекистон ўз аҳамияти жиҳатидан альянсининг кенгайтишига алоқадор масалалардан ҳам муҳимроқ бўлган ташаббусларни илгари сурди».

«Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов альянс билан Афғонистон борасидаги ҳамкорлик юзасидан ғоятда муҳим амалий тақлифларни ўртага ташлади, — дея қайд этади тадқиқотчи. — Мазкур ташаббусларга Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазият ва қўл томон-

лама тузилмалар ёндашувларини синовлик билан ўрганиб, пухта ва атрафлиқа берган баҳосининг натижаси сифатида қарамоқ лозим. Президент Ислам Каримов НАТОга мудоғая, хавфсизлик, экология ва гуманитар масалалар соҳасида Узаро ҳамкорлик бўйича бир қатор тақлифларни илгари сурди. У оммавий қирғин қуролларини тарқатишдан тортиб, халқаро терроризм ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмасига бўлган кен қамровли хавфсизлик тадқиқотларини алоҳида кўрсатиб ўтди.

Америкалик экспертнинг қайд этишича, «Президент Ислам Каримов НАТО билан тузилажак битим учун Ўзбекистон билан Германия ўртасида имзоланган ва Термиздаги муҳим стратегик узел ор-

қали ноҳарбий юклар транзитини назарда тутувчи амалдаги келишув асос бўлиши мумкинлигини айтиб ўтди. Аммо унинг нутқида эътиборли бир жиҳат бор: «Бунда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва қўнчилигини таъминлаш бўйича суверен манфаатларига риоя қилиниши лозим».

Президент Ислам Каримов тақлидлашча, Афғонистондаги

Президент Ислам Каримовнинг Бухарестта ташрифи НАТО билан муносабатларини ривожлантириб, расмий Москва манфаатларига зиён етказишдек қўришни мумкин.

— Бирок Ўзбекистон, аввало, Афғонистон ва умуман, Марказий Осие минтақасида хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган том маънодаги ҳамкорликни таъминлашни истайди, — деб қайд этади Р. МакДермот. — Қўлга кузатувчилар Москва ва Тошкент илгари сурган тақлифларнинг ҳаммадан эканлигини баҳолай олмайдилар. Бинобарин, Россия альянс билан Ўзбекистон нуктаи назарига боғлиқ бўлган битим ишловидики, чунки Афғонистонга барча юклар Термиз шаҳри орқали ўтади. Бошқача қилиб айтганда, бир тақлифнинг амалга оширилиши бошқасига бевосита боғлиқ. Зеро, фақат Ўзбекистон транзит муаммолари ечими қалитига эгадир.

«Жаҳон» АА.

Туркиянинг Каппадокция шаҳрида Халқаро сайёҳлик фестивали очилди. Унда йигирмага яқин мамлакатдан, жумладан, Ўзбекистондан, юзга яқин сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этмоқда.

«ЎЗБЕКТУРИЗМ» — ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ФЕСТИВАЛИДА

Сайёҳлик барқарор ривожланишнинг муҳим омил хисобланиб, аҳоли фаровонлигини ошириш, қўшимча иш ўринлари ташкил этиш, табиий ва маданий бойликларни сақлаш ва муҳофазалашга хизмат қилади. Шу боис мамлакатимизда давлатимиз раҳ-

Анжуман

бари Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳалар сингари сайёҳликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тарихи неча минг йилларга бориб тақаллаган Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Марғилон каби қадимий шаҳарларимизда қўлга баъзан замонавий меҳмонхоналар қад ростлади, сайёҳлик инфратузилмаси ва сервис хизмати тўдан яхшиланди. Бунда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётди.

Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган мамлакатимиз ўзининг ноёб тарихий ёдгорликлари, муқаддас зиёратгоҳлари, ҳушман-дас табиати ва файзли гушалари, бетакрор маданияти, анъаналари билан жаҳон сайёҳларини ўзига раҳон этиб келмоқда. Айни

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизга ташриф буюрган Испания Қироллиги Халқ ҳимоячиси Энрике Мугика Герцог раҳбарлигидаги Испания Омбудсмани делегацияси 16 апрель кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Илғизар Собиров билан учрашди.

ИСПАНИЯ ОМБУДСМАНИ ЎЗБЕКISTONDA

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда ривожланиб бораётгани, жумладан, парламентлар ва омбудсманлар алоқалари мустаҳкамланяётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб

хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Испания делегацияси вакиллари Ўзбекистон парламентининг юқори палатаси фаолияти билан таниди. Меҳмонлар юртимизда жорий йилнинг 1 январидан ўлим жазоси бекор қилинган ва қамқоқда олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтқа-

зилгани жамиятнинг демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлганини таъкидладилар. Учрашувда икки мамлакат ўртасида парламентлар ва омбудсманлар ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. (ЎзА).

ШИФОКОРЛАР СЕМИНАРИ

Урган шаҳрида «Тиббиётнинг муҳим масалалари» мавзусида ўқув семинари ўтказилди. Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва Словения давлатининг «КРКА» фармацевтика компанияси ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда вилоят шифохоналарининг 100 нафардан ортиқ ходим-

лари иштирок этдилар. Улар тиббиёт соҳасидаги янгиликлар, касалликларнинг олдини олиш ва даволашнинг янги усуллари ҳамда аниқ ташхис қўйиш ҳақида маърузалар тингладилар. Янги тиббий ускуналар билан танишдилар. Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

МУНОСИБЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Самарқандни ер юзининг сайқали, деймиз ва бу юксак маконни бугун бутун дунё тан олади. Зеро, истиқлол йилларида Президентимизнинг бевосита ташаббуслари ва кўрсатмалари билан қўнча шаҳарнинг қиёфаси буткул янгиланди, қадимий обидлар таъмирланди. Қолаверса, Самарқанд ўз ички имкониятларини тўла-тўғис намоён этганлиги, халқнинг меҳнатқашлиги туфайли шундай буюк тарихий шарафга эга бўлган.

Президентимизнинг халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузаларини эшитиб, кўнглимдан шундай фикрлар ўтди. Юртбошимиз раҳнамолигида Самарқанд ўзининг ҳақиқий 2750 йиллик тўйини нишонлаш ва ҳаққат қарор тоғди. Мана, 10 йилларди, «Шарқ тароналари» халқаро фестивали бутун дунёни лол қолдириб, бизнинг шаҳримизда ўтказилаётти. Бу биз, самарқандликлар учун фахр-ифтихор эмасми?

Мустақиллик йилларида нафақат Самарқандимиз, балки шаҳар ва туманларимиз, олис қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Оддий инсонлар учун яратилган шароитлар — равон йўллар, замонавий мактаблар, коллеж-лицейлар, тиббиёт масканлари ва гузарлари кўриб, барча юртдошларимиз Президентимиз ҳақида дуо қилишмоқда.

Дил сўзи

Хар бир вилоят ўз муаммосини ўзи ҳал қилмаса, уларга биров четдан келиб жон кўйдириб, ҳал қилиб бермайди. Бирок буни бизнинг вилоят раҳбарлари вақтида тушуниб етишмади. Бу ҳолатга биз, фаолларнинг ҳам бефарқлигимиз, эътиборсизлигимиз сабаб бўлди. Лекин бугун очик-ойдин айтишим керак: нарҳтки, Самарқандке бутун дунёга машҳур юртининг фуқаролари бўлсагу унинг ривожига, тараққиётига фидойиларча ўз ҳиссамизни

қўша олмасак... Нега вилоятимизда бундай камчиликлар ва нуқсонлар юз берди? Нега биз фаоллар бунга томошабин бўлиб турдик? Вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қатор йиллар давомида рўй бериб келаятган салбий ҳолатлар Юртбошимиз томонидан айтилган аниқ ҳақиқатни тўла исботлаб турибди. Мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, виждонни ўртага қўйиб айтганимиз бўлса, Самарқанд салоҳияти тўла очилганида эди, бу юрт бундан-да гуллаб-яшнаган воҳага айланган бўлар эди. Президентимиз айтганларидек, ҳалол, меҳнатқаш, муҳими, ғурурли халқимиз бор. Ешларимиз илмга ташна, юксак марраларни эгаллашга иштиёқманд. Бинобарин, сессияда ўртага ташланган очик, аммо аниқ ҳақиқатлар сабоғи беиз кетмайди. Биз билдирилган фикрлардан тўри ҳулоса чиқариб, аҳил-ишонлик билан ютказилган вақт, бой берилган имкониятлар ўрнини тўлдиряшга қодиримиз.

Темур ШИРИНОВ, Самарқанд давлат университети ректори.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда).

1) 34-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи қисмлар билан алмаштирилсин: «Башарти шахс ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги тегишли модда билан маъмурий жавобгарлик назарда тутилган ҳаракатни (харакатсизликни) вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилган ҳолда (ушбу Кодекснинг 188-моддаси) содир этган бўлса, иш материаллари кўриб чиқиш учун судга топширилади.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда асосий жазага содир этилган ҳуқуқбузарликлардан исталган биттаси учун жавобгарлик тўғрисидаги моддаларда назарда тутилган қўшимча жаза чораларидан бири қўйишлиши мумкин»;

2) қуйидаги мазмундаги 47¹ ва 47²-моддалар билан тўлдирилсин:

«47¹-модда. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни шундай болалар турган муассаса раҳбари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик, худди шунингдек улар томонидан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақида атайин нотўғри маълумотлар бериш — мансабдор шахсга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

47²-модда. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга (патронат), фарзандликка беришда, уларга васийлик (ҳомийлик) белгилашда ёхуд уларни етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган тегишли давлат муассасасига жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) 188-модданинг санкцияси қуйидаги тарихда баён этилсин: «энг кам иш ҳақининг уч бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) қуйидаги мазмундаги 188¹-модда билан тўлдирилсин:

«188¹-модда. Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш

Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) 245-модданинг биринчи қисми «47» рақамидан кейин «47¹, 47²» рақамлари билан, «187-моддасининг иккинчи қисми» деган сўзлардан кейин эса «188, 188¹-моддаларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) 246-моддадаги «188» рақами чиқариб ташлансин;

7) 247-моддадаги «47, 188-моддаларида» деган сўзлар «47-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 248-модданинг:

биринчи қисмидаги «188-моддаси (вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга тааллуқли ишлар бундан мустасно)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми 1-бандидаги «188» рақами чиқариб ташлансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси (Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда) 149-моддасининг учинчи қисми қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи қисмлар билан алмаштирилсин:

«Муассасаларнинг (мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари, давлат муассасалари ва бошқа муассасаларнинг), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари ва бошқа фуқаролар болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлигини хабардор бўлган, етти кунлик муддат ичида бу ҳақда болалар ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар беришлари шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи бундай маълумотларни олган кундан эътиборан уч кун ичида боланинг турмуш шaroитини текшириб чиқиши ва бунда боланинг ота-она ёки қариндошлари қарамоғидан маҳрум бўлганлиги аниқланса, уни жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунча қадар боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш шарт.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаганлик, шунингдек бундай болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузишнинг қонун ҳужжатлари талабларини бузиш билан таққийлатган муассасаларнинг раҳбарлари ва органларнинг мансабдор шахслари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади».

5-модда. Ушбу Қонун қучга кирган кундан эътиборан бир ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Вазири Маҳмад Умаров Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низоомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга кирadi.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2008 йил 16 апрель
№ УРҚ — 153



БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧЛАР

2008 йил — Ёшлар йили

Булар — биринчи қалди-рғочлар!

Маъмур билим масканида улар учун ҳамма шaroит — компьютер хоналари, замонавий кутубхона, теннис кортлари ва тренажёр зали яратилган, Москва давлат университети ва малакали ўқитувчилари сабоқ беради. Бир неча йилдан сунг бу ердан дунёдаги энг нуфузли

М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг (МДУ) Тошкент шаҳридаги филиалининг психология, амалий математика ва информатика факультетларида 150 нафардан ортқ талаба ўқийди. Ҳозир бу ерга иккитдорли ёшларни, айниқса, вилоятлардан кўпроқ жалб қилиш мақсадида касбга йўналтириш ишларига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

олий ўқув юртиларидан бирининг дипломига эга ва иккитсодийнинг барча жаҳабларида талаб юқори бўлган мутахассислар етиштириб чиқиши, шубҳасиз.

Ўзбекистон билан Россияни мустақам дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари боғлаб туради. Бунда, албатта, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хизматлари катта.

2001 йили Исом Каримовга МДУнинг фахрий профессори унвони берилди. Ушанда давлатимиз раҳбари Россиянинг етакчи олий ўқув юрти, унинг шoли аънавалари ҳақида кўп илгик сўзлар айтган эди.

Сунг, 2006 йилнинг февралда Президентимиз Исом Каримов Тошкентда МДУ филиалини ташкил этиш тўғрисидаги қарорга имзо чекди ва 2 сентябрь кунин замонавий талаблар асосида жиҳозланган бинода машғулотлар бошланди.

Бу ерда етти ой ичида қад рoстлаган замонавий махмуа поитхатимиз кўрғичга айланди. Бугун ушбу махмуада таълим олаётган бахтиёр йигит-қизларни суратга олар эканман, уларнинг хонажон Ватанимиз билан кечисиз фахрланганини хис қилдим.

Саховатли заманда эзгу мақсад билан йўрилган ҳар бир иш ўз самарасини бериши, шубҳасиз!

Р. ШАГАЕВ, ЎЗА махмури.

«ЎЗБЕКТУРИЗМ» — ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ФЕСТИВАЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

пайтда мамлакатимизда спорт сайёҳлиги ва экотуризм ҳам изчил ривожланмоқда. Сайёҳлар орасида альпинистлар, чанги спортга қизиқувчилар кўпаймоқда. Юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар та-

рихий, маданий, диний соҳага оид кўплаб маълумотларга эга бўлади. Мамлакатимизнинг сайёҳлик соҳасида фаолият юритувчи фирма ва компаниялар дунёнинг турли хулудларида ўлказияётган сайёҳлик ярмарка ва фестивалларида мунта-

зам иштирок этиб келмоқда. Туркияда давом этаётган мазкур фестивал ҳам Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасини янада таркомиллаштириш ва чет эллик туристлар билан бевосита алоқаларни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратди.

миллий компанияси вакиллари анжуман иштирокчиларини мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти билан яқиндан таништирмоқда. Хорижий сайёҳлик компаниялари билан музокара ўтказиб, юртимизга келадиган сайёҳлар сaфини янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан атрофича фикр алоқашиб кўзда тутилган.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА махмури, Капподокия

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон...»

Бундан қарий 17 йил аввал Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришганини Тошкентда дунёга эълон қилинди. Конституциямиз шу ерда тасдиқланди. Кўска айтганда, гурӯҳ-ифтихоримиз бўлиши муазам поитхатимизнинг миллий давлатчилигимиз тарихида, давлат ва халқимиз бoшқарувида, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизда тугган ўрни ҳамда аҳамияти беқеъдир.

Дарҳақиқат, Тошкент 2200 йиллик тарихи давомида мудофая девори билан ўралган қадимий қалъадан жаҳондаги йиқилган шаҳарлардан бири, Ўзбекистон Республикасининг поитхати мақомига эга бўлган олис тараққиёт йўлини босиб ўтди. Қадимий қўлемларда, хусусан, Абу Райҳон Беруний ва Махмуд Қошғарий, Алишер Навоий ва Захриддин Бобур асарларида шаҳар Чоқ, Шайх Зайноддин, Бошқот ва илк бор Тошкент номи билан каламга олинган. Тошкентнинг майин ҳавоси, мафтункор табиати, фундукор болғари меҳр-муҳаббат ила мадҳ этилгани, бутун шаҳар бўйлаб ўтадиган Бўвус, Салор, Аюхор, Қорасув, Оққўрғон, Бўрижар, Оқтепа, Қоракамаш каби жўшқин анҳор ва сойлар, мусаффо бўкларнинг эриқ ва шифобахш сувлари ҳақида тарихий манбаларда гузал таъриф таъсирлар билан тилга бежиқ эмас.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бу хосиятли замандан ноилари бутун ислом оламида машҳур Имом Кафол Шoшӣ, Шайх Хованди Тоҳур, Шайх Зайноддин Бобу, Иброҳим Чоқ, Қўйлик ота сингалари азиз-ақибалар, не-не улуг зотлар етишиб чиққанди катта ҳикмат бор. Бу ҳудудда, шунингдек, Хожя Аҳур Валий, Шайх Умар Богистоний, Абу Бакр Шoшӣ, Абу Сулаймон Банокатий, Хофиз Сулайми каби алоқамолар шайх, иқод этган.

Буюк бoшимиз Амир Темуридан ўз салтанатидаги ушбу шаҳарга меҳри ўзгача бўлган. Темурийлар томонидан бу ерда барпо этилган ва ҳозиргача савлат тўқиб турган мухташам биналар зoб-таровати ашу шу юксак эътибордан даракдир.

Тошкент ўзининг олис ва бой тарихи давомида бошидан қанақанча синов ва машаққатларни ўтказган, не-не буюк воқеаларнинг гувоҳи бўлган, доимо улкан сиёсий, иқтисодий, маънавий мақебни сақлаб турган ва шу боис турли даврларда турлича улғулган. Поитхатимизнинг «Тинчлик шаҳри», «Дўстлик шаҳри», «Жасорат шаҳри», «Нон шаҳри», «Бор-роҳлар шаҳри», «Шарк дарвозаси» сифатидаги шухрати Машриқу Мағрибга ёйилган.

2007 йили бу таърифлар каторига «Тошкент — ислом маданияти поитхати» деган юксак ном қўйилгани жаҳон ҳамжамиятининг Ватанимиз ва унинг поитхатига чуқур эҳтиромининг яна бир амалий ифодаси бўлди. Ушун даврда юртимизда мазкур муҳим воқеага бағишланган бир қатор халқаро илмий ва маданий тадбирлар ташкил этилди. Президентимиз томонидан 2007 йил 20 февралда қабул қилинган «Ҳазрати Имом



Тошкент шаҳридаги «Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон...» музейи.



Тошкент шаҳридаги «Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон...» музейи.

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ПОЙТАХТИ

Аълмбардор мақбараси, Юнусхон хонақохи — поитхатимизнинг кишини хайратга солидиган бу каби ноёб меъморийлик ёдгорликлари бисёр. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик даирасида яна кўлаб тарихий ёдгорлик, ёдгорлик ва қадимкор таъмирланди, ободонлаштирилди, уларни янада кендрок тарғиб этишга қаратилган зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Озод юртнинг обод поитхати

Бугун поитхатимизнинг Мустақиллик майдонини зиёрат қилган киши бундан 16-17 йил аввал бу ердаги сулим боғ ва чаманзорлар, салобатли ишоотлар, қуркам ёдгорлик ва хиёбонлар ўрнида эъзинг жазирмасио кишининг қаҳратонида «тобаниб ётувчи» яп-яшил асфальт-бетон сатҳдан бошқа дeжрли ҳеч нарса бўлмаганини, ҳатто, тасаввур эта олмагани мумкин.

Истиқлол йилларида Мустақиллик майдони поитхатимизнинг улкан меъморий ансамблига айланди. Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги кунин деб эълон қилинган эса — 1991 йил 1 сентабрдан эътиборан, Ўзбекистон Президенти Фармонига мувофиқ, Тошкентнинг марказий майдони — Мустақиллик майдони деб атала бошлангани бунда муҳим омил бўлди.

Президентимиз раҳнамоллигида бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бош майдонимизнинг наикни маънарасини, айни чоғда маъмурий-иқтисодий мувофиқ, ўзгартириб юборди. Залварли ўзгартирилган жараёнда Мустақиллик монументи, Хотира хиёбони барпо этилди. Сенат биноси, Эзгулик арқаси, Темурийлар тарихий давлат музеи, Тасвирий санъат галереяси, Бизнес-марказ, шунингдек, замонавий фаворалар каби буюк бунёдкорлик намуналари яратилди. Эл-юрт шаън-шавкати, гурӯҳ-ифтихори, миллий давлатчилигимиз тимиоли бўлиш обидлардан яна бири — фарзандини баргига босий турган мунис ўзбек аели сий-

моси акс этган юксак меъморий-бадий мажмуа — Бахтиёр она хайкалдир. Мустақиллик монументи ва Бахтиёр она хайкали Эзгулик арқаси, оқ поёндоз шаклидаги кенг йўлак билан қилга ялти ансамблни ташкил қилади. Мустақиллик ва эзгулик тушуналларини ўзида уйғунлаштирган бу ёдгорлик, Юртбошимиз тақдирига қўра, Мустақиллик ва эзгулик монументи деб аталди.

Ҳа, асрлар мобайнида суруни жангу жадаллари, юксалиш ва инқироз даврларини бошдан кечирган, неча бор вайрон бўлиб, қайта қад рoстлаган, шу тарихи номи маънавий ҳоҳий ҳам ҳар гал ўзгариб турган шаҳар айнан мустақиллик йилларида тинч қурилиш ва буюк бунёдкорлик майдонига айланди. Бунда, аввало, шаҳар киефасига шарқона тус берилишига алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, замонавий меъморий ёнмаларнинг энг илгор ютуқларидан умумий фойдаланилди.

Ана шу залварли ўзгартирилган жараёнда шаҳарнинг турли жойларига қўлай йўлқўзгичлар ишга туширилди, халқа йўллари ва кўприклар, боғлар, ноёб обидлар барпо этилди. Миллий боғ ва боғзорлар, аэропорт ва вокзал биналари деярли қайта қурилди. Викорли, осмоний иморатлар — меъморийлар, маданият саройлари, музейлар, банклар, спорт мажмуалари қад кўтарди. Натижада сунги йилларда Тошкент таниб бўлмас дарвазда янги ва замонавий қиёфа касб этди.

Биргина Эски шаҳар ҳудудида амалга оширилган қўламдор ишларнинг оилалик. Бу ерлар бундан бор-йўли 10-15 йил илгари қай аҳолида бўлганини ҳамшаҳарларимиз яхши эслади. Икки машина рўбарў келиб қолса, бир-бирига илй беришга мажбур бўладиган тор кўчалар, табиий газ ва ичимлик суддан маҳрум, тастам уйлар шаҳар ҳудудини бўзиб туради эди. Энди Эски шаҳар шoри обод этиш юзасидан амалга оширилган ишлар самаралари кенг ва раван кўчаларда, янги қўркам турархоналар, мактаб ва поликлиникалар, маҳаллалар гузарларида ўз аксини топтоқда.

Тараққиётга юз тутган шаҳар

Тошкентдаги «Zenith electronics» қўша корхонаси «LG» русумидаги телевизорлар ҳамда маиший кондиционерлар, «Roison electronics Co.Ltd» компанияси эса «Roison» телекорхонаси билан ҳамкорликда телевизорлари ва «Samsung» кондиционерларни, шунингдек, DVD-плеерларни кенг савдога чиқарибди. Ушбу махсулотлар замонавий дизайни, сифати, текич имкониятлари, нархи, қолдоқ мунддати каби бир қатор муҳим жиҳатлар бўйича хорижий товарларга нисбатан айна афзалликларга эга. Шу боис улар ҳозирги даврининг талабига маъқул тушмоқда.

Бу — поитхатимиздаги неча минг-лаб ишлаб чиқариш корхоналарида тайёрланаётган рақобатбардор товарлар «дарёсидан» «бир томи», ҳо-лос. Этан, айни пайтда мамлакатимиз янги ички махсулотнинг ҳариди 16 фоиз, ташқи савдо айланмасининг салкам 38 фоиз, сервис ва хизматларнинг 31 фоизи Тошкент шoри улғиша тўри келиши бежиқ эмас.

Санотимиз таянч устунлари ҳисобланган Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзабель», «Тошкент трактор заводи», «Совптитал», «Тошкент лоб-бўк заводи», «Файз», «Ўзэлектроапарат» каби йирик корхоналар ўзининг ишлаб чиқариш салоҳияти ва малакали қадрлари билан нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам яхши маълум.

Ўшларга эътибор ва ғамхўрлик

Тошкент аҳли руҳи ва кайфиятида бутун эл-юртимизда ҳаёти, қувонч ва ташвишлари ўз муассамини олган. Юртбошимиз томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилда поитхатимизда келажакимиз эгалари — ёш авлодга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш алоҳида эътиборда турбиди.

Соғлом зуррийт — соғлом ва баркамол авлод асосидир. Шу маънода, соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижада поитхат аҳолисида тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ошиб, сифати яхшиланмоқда. Бунда поитхатда кейинги йилларда барпо этилган Республика шoлининг тиббий ёрдам маркази, шунингдек, кўз микрохирургияси, Урология, Кардиология ва Хирургия каби иктисослашган тиббий марказлар, кейинчалик ишга туширилган ўнга замонавий янги полкликлик ва соғломлаштириш маркази, тўлиқ реконструкция қилинган 23 даволаш-соғломлаштириш муассасаси ҳамда мукамал таъмирланган 83 муассасаниннг хиссаси катта, албатта.

Аҳоли саломатлигини мустақамлаш масаласида жиҳдий эътибор берилётганини поитхатликларнинг ўртача умр кўриш даражаси сезиларли даражада ўзайгани, аёллар, оналар ва болалар саломатлигини таъминлаш йўлида муҳим натижаларга эришилгани миқсолида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, охири ўн йилда шаҳар бўйича аҳолининг касалликка челиниш даражаси 22 фоизга, болалар ўлими кўрсаткичлари эса 1,4 баробар камайганини алоҳида қайд этиш лозим.

Биринчи қалди-рғочлар

Булар — биринчи қалди-рғочлар! Маъмур билим масканида улар учун ҳамма шaroит — компьютер хоналари, замонавий кутубхона, теннис кортлари ва тренажёр зали яратилган, Москва давлат университети ва малакали ўқитувчилари сабоқ беради. Бир неча йилдан сунг бу ердан дунёдаги энг нуфузли

Ўшларга эътибор ва ғамхўрлик

Тошкент аҳли руҳи ва кайфиятида бутун эл-юртимизда ҳаёти, қувонч ва ташвишлари ўз муассамини олган. Юртбошимиз томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилда поитхатимизда келажакимиз эгалари — ёш авлодга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш алоҳида эътиборда турбиди.

Соғлом зуррийт — соғлом ва баркамол авлод асосидир. Шу маънода, соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижада поитхат аҳолисида тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ошиб, сифати яхшиланмоқда. Бунда поитхатда кейинги йилларда барпо этилган Республика шoлининг тиббий ёрдам маркази, шунингдек, кўз микрохирургияси, Урология, Кардиология ва Хирургия каби иктисослашган тиббий марказлар, кейинчалик ишга туширилган ўнга замонавий янги полкликлик ва соғломлаштириш маркази, тўлиқ реконструкция қилинган 23 даволаш-соғломлаштириш муассасаси ҳамда мукамал таъмирланган 83 муассасаниннг хиссаси катта, албатта.

Аҳоли саломатлигини мустақамлаш масаласида жиҳдий эътибор берилётганини поитхатликларнинг ўртача умр кўриш даражаси сезиларли даражада ўзайгани, аёллар, оналар ва болалар саломатлигини таъминлаш йўлида муҳим натижаларга эришилгани миқсолида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, охири ўн йилда шаҳар бўйича аҳолининг касалликка челиниш даражаси 22 фоизга, болалар ўлими кўрсаткичлари эса 1,4 баробар камайганини алоҳида қайд этиш лозим.

Бугунги кунда навқирон йигит-қизларимиз, умуман, барча тошкентликлар ўртасида соғлом тур-

ЖАҲОН 24 соат ичида

Янги қоида киритилди



Хитой фуқаро авиацияси бош бошқармаси мамлакатдаги ички рейсларга айрим ўзгаришлар киритди. "Синьхуа" ахборот агентлиги хабарига кўра, жорий йилнинг 5 майдан 2010 йилнинг 5 мейгача учувчилар авиацион-техника билан инглиз тилида мулоқот олиб борилади. Бунга хорижий авиаконкомпания вакиллари эътирозлари сабаб қўлиб кўрсатилмоқда. Гап шундаки, хитойлик учувчилар она тилларида сўзлашувлари натижасида хорижликлар улар бошқарётган самолётларнинг жойини аниқлашда қийнаётган экан.

Айблов тасдиқланди

Перу Олий суди мамлакатнинг собиқ президенти Альберто Фухимори устидан қўйилган айбловни тасдиқлади.

Собиқ президент 2007 йилнинг декабрида жиноий жавобгарликка тортилиб, олти йилга озодликдан маҳрум этилган эди. "Франс-пресс" хабарига айтилишича, Фухиморига президент

лик лавозимини суиистеъмол қилганлиги айби қўйилган. Эслатиб ўтамиз, Альберто Фухимори 1990-2000 йиллар мобайнида Перу давлати президенти бўлган эди.

Поезд йўлидаги ҳалокат




Бангладешда катта йўл ҳаракати ҳодисаси содир бўлди.

Хабарларда келтирилишича, йўлда кетаётган автобус темир йўлни кесиб ўтган жойда поезд билан тўқнашиб кетган. Оқибатда автобусдаги 20 киши ҳалок бўлган. Яна 40 кишининг жиддий жароҳат олганлиги айтилмоқда.

Воқеа жойида Бангладеш темир йўл хизмати ходимлари ҳалокат сабабларини ўрганмоқдалар.

Антиқа соат



Дунё олимлари соатсмартфон қурилмасини ишлаб чиқдилар. Мазкур соат "Windows CE 5.0" оператив тизими орқали

бошқарилади. Унинг нархи 629 долларга 95 цент, дея баҳоланмоқда.

Янги қурилмага энг сўнгги русумдаги мосламалар ўрнатилган. Соатни кўлга тақиб, суратга тушиш, қўшиқ тинглаш ва яна бир қанча амалларни бажариш мумкин.

Қизиғи, соат ёзувлари инглиз, француз, испан, португал, турк, рус, вьетнам, араб ва хитой тилларига ўзгаради.

Уйғонган вулқон




Индонезиянинг Флорес оролида "Эгон" вулқони қайнаб чиқа бошлади.

Вулкон атрофидаги аҳоли хавфсиз ҳудудларга кўчирилмоқда. "Рейтер" берган хабарда айтилишича, вулкон ҳали-бери тўхтамайди.

Эслатиб ўтамиз, Жанубий ва Шимолий Америка, Индонезия, Япония, Филиппинда машҳур вулконларнинг 1,5 мингдан ортиги отилиб туради.

Машъала Осиёда

Кеча Пекинда ўтказиладиган XXIX ёзи Олимпиада уйинларининг машъаласи Покистонга етиб келди.



"Рейтер" ахборот агентлиги маълумотида айтилишича, шу муносабат билан пойтахт Исломободда стадионда тантанали маросим ташкиллаштирилди.

Шундан сўнг машъала Хиндустоннинг Мумбай шаҳрига олиб кетилади.

Олимлар фарази

Калифорнияда 2037 йилгача катта вайронгарчиликларга сабаб бўладиган кучли ер силкинишлари юз бериши мумкин.

Бундай фикр яқинда олимлар томонидан билдирилди. Уларнинг сўзларига кўра, ақин 30 йил мобайнида шаҳарда Рихтер шкаласи бўйича 6,7 баллга тенг zilзила содир бўлади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Пойтахтимизда Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгашнинг 2007 йилдаги фаолияти яқунлари кўриб чиқилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари, Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши раиси М.Ҳожиматов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари Ф.Зиёев, "Ўзбекистон" эстрада бирлашмаси бош директори Б.Абдурахимов ва

бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда санъатнинг барча йўналишлари каби миллий эстрада янада ривожлантириш, ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ўтган йили эстрада санъатини янада ривожлантириш, истеъдод соҳиб-

ларнинг профессионал малакаси, ижро маданиятини ошириш, ёш санъаткорларнинг ўз қобилиятини кенг намоён этиши учун қулай шароит ва имконият яратишга қаратилган мўйайин ишларни амалга оширди. Ёш санъаткорларни қўллаб-қувватлаш, мазмунан теран, бадий юксак мусиқий асарларни кенг тарғиб этиш, миллий кадрларимизга зид, ёшларнинг маънавий камолотига салбий таъсир кўрсатиши

мумкин бўлган саъз, бачкана кўшиқлар пайдо бўлишининг олдини олиш масаласига эътибор янада кучайди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат кенгашлари қoшқида "Ўзбекистон" эстрада бирлашмаси бўлими билан ҳамкорликда Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгашининг ҳудудий бўлими тузилди. Уларда эстрада хонандалари, бастакор-

лар, режиссёрлар, музикашунослар, журналистлар ва маънавият тарғиботи учун масъул ташкилотлар вакиллари фаолият кўрсатмоқда.

Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси қошида эстрада хонандалари репертуарларини бойитиш ва тартибга солиш, тарғиб қилиш мақсадида махсус фонотека ташкил этилди. Ҳозиргача унда икки юз нафардан ортиқ хонанданинг беш мингдан зиёд мусиқий асари жамланди. Айни пайтда иж-

рочиларнинг концерт дастурлари сифатини ошириш, саҳна маданияти, кўшиқлар матига талабчанликни янада ошириш мақсадида "Ўзбекистон" эстрада бирлашмаси қошида мутахассислардан иборат экспертлар гуруҳи ташкил этилди.

Йиғилишда санъаткорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бирга мазмунан саъз кўшиқлар пайдо бўлишининг олдини олиш, гастроль-концерт фаолиятини такомиллаштириш, телевидение ва радиоканаллар орқали эфирга узатилаётган асарларга талабчанликни янада ошириш лозимлиги таъкидланди. Мухокама этилган масалалар юзасидан амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

(ЎзА).

Ульяновск автомобиль заводининг ўзбекистондаги расмий дилери

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.

ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР

Йўловчи ва юк ташувчи АВТОМАШИНАЛАР

Фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4x4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомобиллари УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Шунингдек кафолат ва техник хизматлар кўрсатилади!

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., «Халқлар дўстлиги» шк., 27-уй.

SONATA Ўз йўлингни танла!

КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner Tel. 250-11-11

Drive your way

"INTEGRALASIA" 17" мониторли P4 компьютерлари

Тошкентдаги омбордан 675 000 сўмдан бошлаб

пул ўтказиш йўли билан ёки кредитга сотилади.

Тошкент ш., «Фаргона йўли» к., 13/12, тел.: 233-10-46, 120-30-27, 120-30-28, факс: 120-30-26.

Товар сертификатланган. e-mail: safe@onlineuz.net, www.integr-asia.com

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ТАСАРРУФИДАГИ

РЕСПУБЛИКА ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САЊЪАТ ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ

2008/2009 ўқув йили учун 2001 йилда тузилган иқтидорли ўғил ва қиз болаларини

ТАСВИРИЙ САЊЪАТ ВА МУСИҚА БЎЛИМЛАРИГА

танлов асосида ўқишга қабул қилинади.

Колган синфларнинг бўш ўринларига мутахассислиги бўйича тайёргарлиги ва қобилияти бор ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади.

Аризалар 2008 йил 1 майдан 31 майгача қабул қилинади. Қабул имтиҳонлари 2 июндан бошланади.

Манзил: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-маъво, 1-А уй. Автобуслар: 2, 8, 33, 41, 77, 87, 182. Троллейбуслар: 12, 13. «Москва остонаси» бекети (Подмосковная). Йўналишли таксилар: 14, 15, 21, 22. Телефонлар: 274-92-21, 274-96-44, 274-96-45.

Республика Кўчмас мулк биржаси Сурхондарё вилояти филиали

нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига вилоят ҳўжалик судининг 2007 йил 3 сентябрдаги 19-0709-65164-сонли ижро варақасига асосан, Термиз тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Учқизил моддий таъминот» МЧЖга тегишли, 2 қаватли, фойдаланишга яроқли, майдони 363,60 кв.м. бўлган маъмурий бино қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 91 737 766 сўм.

Аукцион савдолари 2008 йил 17 май кўни соат 11.00 да ўтказилади.

Шунингдек, вилоят ҳўжалик судининг 2007 йил 29 октябрдаги 19-0709-6599-сонли ижро варақасига асосан, Суд департаменти вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган, «Қишлоқхўжаликкимё» Қўмуқурғон тумани филиалига тегишли, Ш. Мирзаев ш.х. Боймажли қишлоғидаги 1 қаватли, 1975 йилда қурилган, умумий ер майдони 7176,16 кв.м., фойдаланиш майдони 5675,09 кв.м. бўлган омборхона шохобчаси (бостирма, асфальт-бетон майдони — 6294,71 кв.м., дарвоза ва айланма девори билан).

Бошлангич баҳоси — 54 049 863 сўм.

Аукцион савдолари 2008 йил 28 май кўни соат 11.00 да ўтказилади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидидаги талабгорлардан аризалар қабул қилиш савдо бошлангичдан бир кун олдин тўхтайтилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳўжатининг рақамини ва савдосини кўрсатган ҳолда РКМБ Сурхондарё вилояти филиалининг қўйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: ҳ.р: 20210000700571452053, МФО 00981, ИНН 200933850, «Даврбанк» Термиз шаҳар минни бўлими.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз ш., Ф. Хўжаев к., «Тадбиркорлар маркази» биноси. Телефонлар: 770-85-90, 227-25-49.

Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004.

Жорий йилнинг 28 ва 29 апрель кунлари

ЁР-МОЙ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ УЮШМАСИНИНГ

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 73-«А» уйда жойлашган маъмурий биносидан

саноат маҳсулотларининг соҳавий кўргазмаси бўлиб ўтади.

Кўргазмага савдо шартномалари тузиш учун озиқ-овқат саноатида ишлашга қаратилган эҳтиёт қисмлар, пальмитин ва олеин кислоталари, битум, фармацевтика саноати учун меза данакларидан олинган мойлар, олифа, глицерин, пластмасса идишлар ишлаб чиқариш учун гранулялар, лок ва бўёқ маҳсулотлари, ПАФ пастаси, қандолатчиликда ишлатиладиган мой маҳсулотлари қўйилади.

Тадбиркорларни кўргазмага ташриф буюришига ва биз билан шартномалар тузишга таклиф қиламиз.

ЁР-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси.

ООО «Росагропромснаб» предлагает:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1»

СЧЕТЧИКИ ГАЗА вихревые СВГ.М

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на поставляемую продукцию — 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие предоставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Адрес: Ташкент, Чиланзар, көп-б.д. 2 (Ор-р — метро «М.Улугбек») Товар сертифицирован

Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

«Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши биносида «Камолот-Тур» I Миллий ёшлар веломарафонига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда ҳаракатнинг етакчи ва фаоллари, велоспорт бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси вакиллари иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ

Мазкур мусобақани ташкиллаштиришдан мақсад ёшлар орасида велоспорт турини оммалаштириш ҳамда йигит-қизларнинг спортга бўлган қизиқишини рағбатлантиришдир. Маълумки, велосипед экологик жиҳатдан безиён транспорт воситаси ҳисобланади. Шу боис веломарафон жараёнида унинг инсон саломатлиги учун фойдали жиҳатлари тарғиб этилади. Қолаверса, тадбир муносабати билан жойларда ўтказиладиган маданий учрашувлар, маҳорат сабоқларида велоспорт, унинг тарихи ҳусусида қизиқарли ва батафсил маълумотлар берилди.

Веломарафон уч йўналишда старт олиши кўзда тутилмоқда. Дастлаб спортчилар 19 апрель кuni Нукус ша-

ридан йўлга чиқишади. Улар Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларини босиб ўтиб, пойтахтга кириб келишади. Термиздан старт олган иккинчи йўналиш эса Сурхондарё ҳамда Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари орқали Тошкентга келади. Сўнгги йўналишдаги жамоалар Марғилондаги

«Ёшлар боғи»дан йўлга чиқиб, водий вилоятлари ва Қамчиқ довоини босиб ўтади.

Спорт байрамнинг якуний босқичи ва ғолибларни тақдирлаш маросими эса 25 апрель кuni пойтахтимиздаги «Ёшлик» спорт мажмуасида бўлиб ўтади.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Кўл тўпи бўйича биринчилик

Наманган шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежида 1989-1991 йилларда туғилган ўғил болалар ва қизлар ўртасида кўл тўпи бўйича Ўзбекистон биринчилиги мубоақалари бўлиб ўтди.

Касб-хунар коллежлари талабаларининг маҳорат кўриғига айланган беллашувлар якунида олтин медалди Андижон вилояти вакилларига насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса Тошкент ҳамда Наманган вилояти спортчи ёшлари эгаллашди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Оқгул рейтингда юқорилади

Ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова халқаро миқёсда уюштирилаётган теннис турнирларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.



Кuni кеча Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) дунёнинг энг кучли теннисчиларининг янги рейтингини эълон қилди. Аҳамиятлиси, унда Оқгул уч поғона юқорилаб, олтинчи тўртинчи поғонадан жой олди. Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.



Кулоллик буюмлари намойиши

Бухоро вилояти халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубий марказида ёш кулоллар республика кўргазмасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда гиждувонлик ёш хунарманд Обиджон Нарзуллаев ғолиб деб топилди.

Намойишдан жой олган «Она меҳри», «Чоллар», «Кўргазма», «Насриддин Бухорода», «Доирачи аёл», «Мангу куй»

номли асарлар томошабинларда катта таассурот қолдирди. Энг сара ижодий ишлар эса пойтахтда ўтказиладиган кўргазмага юбориладиган бўлди. Мухтасар КАРИМОВА.


Вазирликлар, идоралар, бирлашмалар раҳбарлари ҳамда ишбилармонлар диққатига!

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» АИЧБ

2008 йил 18 апрель кuni соат 10.00 да Бекобод шаҳридаги Металлурглр маданият саройида

СОҲА САНОАТ ЯРМАРКАСИНИ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БИЛАН ЎТКАЗАДИ.

Кўргазма-ярмаркада «Ўзметкомбинат» АИЧБда ишлаб чиқарилаётган, кенг ассортиментдаги маҳсулотлар намойиш этилади.



Кора металллар прокати, янчадиган зўлдирлар (мельюшие шары), мис ленталар ва унинг қотишмаси, симлар, диаметри 3, 4, 5 мм. бўлган УОНИ 13-55 пайвандлаш электродлари, пўлатдан ишланган сирланган идиш-товоклар ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳамда маҳаллийлаштириш дастури бўйича ишлаб чиқарилган бошқа маҳсулотлар.

Барчани ярмаркага таклиф этамиз!

Стадионнинг янги жамоли

Ўн мингдан зиёд томошабинни ўз бағрига сиғдира оладиган мажмуанинг марказий минбари батамом янгиланди. Томошабинлар учун ҳар жиҳатдан қўлай ва кўркем ўриндиқлар ўрнатилди. Қўшимча баскетбол ва волейбол майдончалари ташкил этилди.


Ҳозир мажмуада болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари, энгил атлетика, футбол мактаблари ёш спортчилари ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

INTER-PRESS

ОБУНА ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

119-0000, 119-8383, 155-0955 Тошкент ш. Навоий кўч.13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz




«Эркин суҳбат» тарифи

\$0 абонент тўлови тармоқ ичидаги вирувчи алоқа
\$0,01 Ўзбекистон бўйича барча бошқа қўнғироқлар 1 дақиқа учун

МТС алоқа оператори

Хизматлар лицензияланган.

Энгил саноат маҳсулотларини улгуржи сотиб олишни хоҳловчи ташкилотлар, корхоналар раҳбарлари ва хусусий тадбиркорлар диққатига!



Шу йилнинг 22-25 апрель кунлари «ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ» ДАК

биносида Республика саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа, спорт кийимлари савдо кўргазмаси ташкил этилади.

Кўргазмадан тўқимачилик ва тикувчилик саноати ускуналари, улар учун эҳтиёт қисмлар, кимёвий моддалар, спорт кийимлари сингари қатор маҳсулотлар ўрин олган.



Савдо кўргазмаси иш тартиби соат 10.00 дан 17.00 гача. Манзил: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 45-уй. Тел: 253-93-54, 253-79-39.



Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 37080 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20 Тошпирилди — 23.45 1 2 3 4 5 6.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Набатчи котиб — А. Орипов. Набатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева. Набатчи — Ю. Бўронов. Мусахҳах — Х. Тошқўшев.